

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОСТОНОВА ГУЛРУҲ СОДИҚОВНА

**ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ ОРАСИДА ИЕРСИНОЗЛАР АҲАМИЯТИНИ
АНИҚЛАШ ВА УЛАР ИММУНОДИАГНОСТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.10 - Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Остонова Гулрух Содиковна

Ичак инфекциялари орасида иерсиниозлар аҳамиятини аниқлаш ва
уларнинг иммунодиагностикасини такомиллаштириш 3

Остонова Гулрух Содиковна

Определение значения иерсинозов среди кишечных
инфекций и совершенствование их иммунодиагностики 23

Ostonova Gulrukh Sodikovna

Determination of the importance of yersinosis among intestinal infections and
improvement of their immunodiagnostics 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers 49

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОСТОНОВА ГУЛРУҲ СОДИҚОВНА

**ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ ОРАСИДА ИЕРСИНОЗЛАР АҲАМИЯТИНИ
АНИҚЛАШ ВА УЛАР ИММУНОДИАГНОСТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.10 - Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2584 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар

Нарзуллаев Нуриддин Умарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирзоева Мехринисо Ризаевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедова Муборахон Джалиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Санкт Петербург давлат университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 - уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ кунни тарқатилган.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда *Yersinia enterocolitica* томонидан кўзғатиладиган, юқиш йўли алиментар ҳисобланган иерсиниоз инфекцияси ветеринария ва соғлиқни сақлаш соҳасининг долзарб муаммоси ҳисобланиб, болалар, айниқса 10 ёшгача бўлган болалар орасида касалланиш хавфи ошиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, «... ичак иерсиниозининг ташҳиси яхши йўлга қўйилган мамлакатларда, улар барча токсикоинфекцияларнинг камида 4% ини ташкил этиб, ўткир ичак инфекциялари ўртасида ичак иерсиниозининг улуши 15% гача етади ...»¹. Кўпинча касаллик озик-овқат саноати ривожланган ва иқтисодий даражаси юқори бўлган мамлакатларнинг йирик шаҳарларида, шунингдек, иқлими мўътадил ҳудудларда аниқланади. Мамлакатларнинг иқтисодиётига сезиларли таъсири сабабли, ушбу инфекцияни ташҳислаш, иккиламчи иммунодефицит шаклланишининг олдини олиш ва самарали даволаш амалий тиббиётнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда. Ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозлари клиник-иммунологик хусусияти ва аҳамиятини аниқлаш, улар иммунодиагностикасини такомиллаштириш соғлиқни сақлаш амалиёти учун ўз долзарблиги ва заруратини йўқотгани йўқ.

Жаҳонда ичак иерсиниози билан касалланган беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ичак иерсиниозининг турли шакллари клиник хусусиятларини баҳолаш, ўткир ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозининг учраш даражаси ва уларнинг клиник аҳамиятини аниқлаш, ичак иерсиниозининг клиник ва лаборатор кўрсаткичлари асосида турли клиник шакллари ҳамда асоратларини баҳолаш, В-лимфоцитлар цитокинемий фаоллигини аниқлаш, қонда цитокин профилини аниқлаш, ичак иерсиниози клиник шакллари даволашни такомиллаштириш, барча мамлакатлар соғлиқни сақлаш тизими амалиётига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда инфекцион иерсиниоз ривожланишидаги индивидуал фарқларнинг иммуногенетик ва иммунопатологик асосларининг натижалари аниқ эмас, шунинг учун инфекцион иерсиниозлар патогенезида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар аҳамияти, резистентлик омиллари шаклланиши бўйича тадқиқотлар бажарилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, уларнинг тиббий, ижтимоий-иқтисодий самарасига алоҳида эътибор қаратилмоқда, соғлиқни сақлаш тизимида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисми 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни

¹Бабаходжаев С.Н., Халилова З.Т. Реактанты острой фазы воспаления и провоспалительные цитокины у больных иерсиниозами // Инфекция, иммунитет и фармакология. - Ташкент, 2014. - Том 1, №3. - С.92-96.

сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш аҳоли орасида турли юқумли касалликлар, шу жумладан ичак иерсиниозларини ташхислаш ва даволаш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш, тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариш орқали иерсиниозлар иммунодиагностикасини такомиллаштириш муҳим тиббий аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эпидемиологик текширув маълумотларига кўра, мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида иерсиниоз ўчоқлари, касалланишнинг 53%и сут истеъмоли билан боғлиқлиги аниқланган, бир ёшгача бўлган болалар гуруҳида эса бу кўрсаткич 72% ни ташкил қилган. Бошқа ҳолларда эрта пишадиган сабзавот ва меваларни ювмасдан истеъмол қилиш, кўпинча инфекция тарқалишига олиб келувчи омил, деб ҳисобланган (Абдухалилова Г.К., Ахмедова М.Д., 2015; Алшынбекова Г.К. ва ҳаммуал., 2021; Горелова А.В., 2020).

Болаларда ичак иерсиниози касаллиги асоратларини ўрганишга доир кўплаб тадқиқотлар бажарилган. Олинган маълумотларга кўра, инфекция асоратли кечмаган, чунки ичак иерсиниози билан касалланган болаларнинг деярли барчасида касаллик ўткир кечган. Кузатувга олинган беморларда иерсиниознинг сариклик шаклидан сўнг сурункали персистирловчи гепатит ривожланган (Зуева Е.В., 2017; Azghari I. et al., 2016).

Беморларда ўрганилаётган патологик жараёнда иммун тизимининг мажмуавий ва фарқланган коррекциясининг тамойиллари ҳозиргача батафсил ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун беморларда ичак иерсиниози ташхисоти, клиник ўзига хос кечишлари, шунингдек, ҳужайравий ва гуморал иммунитет ҳолати, цитокин параметрларини мажмуавий ўрганиш лозим.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Маълумки, иерсиниоз касаллиги организмнинг барча аъзо ва тизимларига ўз таъсирини кўрсатади. Шулардан муҳимлари овқат ҳазм қилиш, асаб, юрак қон томир ва иммун тизимлари бўлиб ҳисобланади.

Иерсиниозда HLA-B27 мусбат шахсларда бўғимларнинг иккиламчи зарарланишига мойилликнинг мавжудлигини тушунтирувчи этиопатогенетик гипотезалар мавжуд. Антиген мимикрия гипотезаси HLA-B27 антигенининг иерсинияларнинг айрим антигенлари билан ўхшашлиги асосида тушунтирилган, бу кўзғатувчининг ўзига нисбатан иммунологик толерантликка олиб келган. Ушбу гипотеза HLA комплекси ва иерсиния антигенлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Соғлом шахслар орасида олиб борилган популяцион тадқиқотлар шуни кўрсатдики, церулоплазмин ва гаптоглобин генетик жиҳатдан детерминацияланган вариантларга эга (Jones M.W., Deppen J.G., 2018). Шу муносабат билан, зардоб оксиллари гуруҳига мансуб генетик маркёрлар - гаптоглобин, церулоплазмин ва иерсиниоз инфекциясининг турли шакллари ўртасидаги ассоциацияни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Аниқланишича, ичак иерсиниози касаллиги ўткир касаллик бўлиб, бир қанча аъзолар фаолиятига таъсир қилиб, организмда мавжуд бўлган сурункали касалликларни кўзғатиши ёки алоҳида ҳолатда айрим касалликларни келиб чиқишига шароит яратади. Беморларда иерсиниоз касаллигининг клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш ҳар қандай изланувчи учун қизиқиш уйғотади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, беморларда иерсиниоз касаллигини ўз вақтида ташҳислаш, иммунодиагностик схемасини ишлаб чиқиш ва асослаш, амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасида илмий-тадқиқот ишларининг режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (05.2023 PhD 187) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш-профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади ичак инфекциялари орасида иерсиниозлар аҳамиятини аниқлаш, уларнинг иммун, цитокин ҳолатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали иммунодиагностикасини такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

6 ойликдан 14 ёшгача бўлган болаларда кузатиладиган ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозларининг салмоғини аниқлаш;

болалар орасида ичак иерсиниози клиник-лаборатор кўрсаткичлари, ушбу паталогиянинг турли оғирлик вариантларини аниқлаш ва баҳолаш;

болалар орасида ичак иерсиниози ташҳисотида полимераза занжирли реакциясининг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш;

ичак иерсиниози ташҳисланган болалар орасида иммун тизими параметрларига асосланган иммунодиагностик усулларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ичак иерсиниози билан касалланган 6 ойликдан 14 ёшгача бўлган 34 нафар ва ўткир ичак инфекциялари ташҳисланган 86 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган вена қони, қон зардоби, нажас ва тегишли тиббиёт хужжатлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу тадқиқотни бажаришда клиник, иммунологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 6 ойликдан 14 ёшгача бўлган болаларда ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозининг салмоғи 39,5% ни ташкил қилиши, ичак инфекцияларига қараганда ичак иерсиниози клиник жиҳатдан оғир кечиши, лейкоцитоз, нейтрофилёз, эозинофилия, эритроцитлар чўкиш тезлиги, жигар ферментлари миқдори ишонарли юқори бўлиши аниқланган;

ичак иерсиниози аниқланган болаларда ичак инфекциялари ташҳисланган болаларга нисбатан касалликнинг енгил даражаси 2,54 мартага кам аниқланиб, ўртача оғирликдаги ва оғир даражаси мос равишда 2,54 ва 1,12 мартага кўплиги кўрсатиб берилган, бу эса ушбу паталогияда даволаш тактикасини аниқ белгилаш имконини берган;

болалар орасида ичак иерсиниози ташҳисотида полимераза занжирли реакциясининг юқори диагностик самарадорлиги исботланган, ушбу усулнинг ичак иерсиниози диагностикасида асосий иммунодиагностик усул сифатида қўлланилиш имкониятлари кўрсатиб берилган;

ичак иерсиниози аниқланган болаларда ичак инфекциялари ташҳисланган болаларга нисбатан CD3+-, CD4+-лимфоцитлар, иммунорегулятор индекснинг 1,21, 1,22 ва 1,46 мартага ишонарли даражада камайгани, шунингдек, CD38+-, CD25+-, CD95+-лимфоцитларнинг 1,12, 1,16 ва 1,35 мартага ишонарли кўпайгани, яллиғланишни қўлловчи цитокинлар дисбаланси аниқланган, ушбу ҳолат ушбу паталогияда иккиламчи иммунодефицит чуқурлиги, иммун тизим фаолиятида сезиларли зўриқиш борлигини кўрсатган, ичак иерсиниози аниқланган болалар орасида иммун тизими хужайравий ва цитокин статуси параметрлари таҳлили, полимераза занжирли реакциядан фойдаланишга асосланган иммунодиагностик усулларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозининг учраш даражаси, эрта босқичларда полимераза занжирли реакция ёрдамида аниқланиши, клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили натижалари ушбу паталогияни самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишни таъминлаган, келтириб чиқарадиган асоратларининг олдини олишга имкон яратган;

болалар орасида ичак иерсиниози ташҳисотида полимераза занжирли реакциясининг юқори диагностик самарадорлиги исботланганлиги, ушбу усулнинг ичак иерсиниози диагностикасида асосий иммунодиагностик усул сифатида қўлланилиш имкониятлари кўрсатиб берилганлиги юқумли касалликлар амалиётида фойдаланиш учун тавсия этилган;

ичак иерсиниози аниқланган болаларда Т-иммунодефицит (CD3+-, CD4+-лимфоцитлар, иммунорегулятор индекс камайиши), эрта фаоллашган (CD25+-лимфоцитлар) ва апоптозни индуцирловчи хужайралар (CD95+-лимфоцитлар) кўпайгани, яллиғланишни қўлловчи ва унга қарши цитокинлар дисбаланси ушбу патологияда иккиламчи иммунодефицит ривожланганини кўрсатган ва ушбу параметрларни аниқлаш иммунодиагностик мезонлар сифатида соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда бир бирини тўлдирувчи олинган натижалар ва назарий методлар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг етарли миқдори, чет эл ва мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотлар билан солиштирилиши, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан берилган хулосалар билан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозининг салмоғи 39,5% ни ташкил қилиши, ичак инфекцияларига қараганда ичак иерсиниози клиник жиҳатдан оғир кечиши, лейкоцитоз, нейтрофилёз, эозинофилия, эритроцитлар чўкиш тезлиги, жигар ферментлари миқдори ишонарли юқори бўлиши аниқланганлиги, ичак иерсиниози аниқланган болаларда ичак инфекциялари ташхисланган болаларга нисбатан касалликнинг ўртача оғирлик ва оғир даражаси кўплиги кўрсатилганлиги, ичак иерсиниози ташхисотида полимераза занжирли реакциясининг юқори диагностик самарадорлиги исботланганлиги, уларда CD3+-, CD4+-лимфоцитлар, иммунорегулятор индекснинг ишонарли камайгани, CD38+-, CD25+-, CD95+-лимфоцитларнинг кўпайгани, цитокинлар дисбаланси аниқлангани, ичак иерсиниози аниқланган болалар орасида иммун тизими хужайравий ва цитокин статуси параметрлари, полимераза занжирли реакциядан фойдаланишга асосланган иммунодиагностик усулларнинг такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда ичак иерсиниози ташхисотида полимераза занжирли реакциясининг юқори диагностик самарадорлиги исботланганлиги, унинг ичак иерсиниози диагностикасида асосий иммунодиагностик усул сифатида қўлланилиш имкониятлари кўрсатиб берилганлиги юқумли касалликлар амалиётида фойдаланиш учун тавсия этилганлиги, ичак иерсиниози аниқланган болаларда Т-иммунодефицит, эрта фаоллашган ва апоптозни индуцирловчи хужайралар кўпайгани, цитокинлар дисбаланси ушбу патологияда иккиламчи иммунодефицит ривожланганини кўрсатганлиги, ушбу параметрларни аниқлаш иммунодиагностик мезонлар сифатида соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия этиш имконини берганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор 6 ойликдан 14 ёшгача бўлган болаларда ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозининг салмоғи 39,5% ни ташкил қилиши, ичак инфекцияларига қараганда ичак иерсиниози клиник жиҳатдан оғир кечиши, лейкоцитоз, нейтрофилёз, эозинофилия,

эритроцитлар чўкиш тезлиги, жигар ферментлари миқдори ишонарли юқори бўлиши аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Ичак инфекциялари орасида ичак иерсинозининг тарқалиши, клиник кечиши ва лаборатор кўрсаткичларлар хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулларини оптимал танлаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (17.07.2023 й. №73/2), Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (06.06.2023 й. №54/3) билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ичак иерсинози ташхисотининг янги усулларини такомиллаштириш касалликнинг эрта ташхислаш ва даволаш имконини беради, бу ўз навбатида беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олишда инобатга олиниб даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, касаллик асоратларини олдини олишга, беморларни сарфланадиган харажатларини 475 000 сўмга камайтиришга эришилган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ичак иерсениозлари билан касалланган беморларда тавсия этилаётган ташхисот усуллари ва иммунологик хизмат кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлиги касалликни эрта аниқлаш, ўз вақтида ташхис қўйиш ва унинг оғир асоратларини олдини олиш ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 475 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Хулоса: Иерсиноз тарқалиши, клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг оптимал усулларини танлаш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 475 000 иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Ичак инфекциялари орасида иерсениозлар аҳамиятини аниқлаш ва улар иммунодиагностикасини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 19 июл 2023 йил 01/04/3796-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: ичак иерсениози аниқланган болаларда ичак инфекциялари ташхисланган болаларга нисбатан касалликнинг енгил даражаси 2,54 мартага кам аниқланиб, ўртача оғирликдаги ва оғир даражаси мос равишда 2,54 ва 1,12 мартага кўплиги кўрсатиб берилган, бу эса ушбу патологияда даволаш тактикасини аниқ белгилаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг аҳамияти ичак инфекциялари орасида ичак иерсениознинг клиник шаклларининг оғирлик даражасини аниқлаш ва клиник шаклларининг ўзига хос симптомларини ўрганиш, даволаш тактикасини аниқ белгилаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (17.07.2023 й. №73/2), Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (06.06.2023 й. №54/3) билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ичак иерсинози ташхисотининг янги усуллари такомиллаштириш касалликнинг эрта ташхислаш ва даволаш имконини бериши ҳисобига ривожланиши мумкин бўлган асоратлар камайтириш имкониятини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ичак иерсинози ташхисотининг янги усуллари такомиллаштириш касаллик эрта ташхислаш ва даволаш имконини беришини ҳисобга олиниши: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 475 000 сўмга камайтирган (Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалининг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 95 000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 70 000 сўм дори воситалари сарфланади).

Хулоса: Ичак иерсинози ташхисоти янги усуллари такомиллаштириш касалликнинг эрта ташхислаш ва даволаш имконини бериши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 475 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: “Ичак инфекциялари орасида иерсинозлар аҳамиятини аниқлаш ва улар иммунодиагностикасини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 19 июл 2023 йил 01/04/3796-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: болалар орасида ичак иерсиниози ташхисотида полимераза занжирли реакциясининг юқори диагностик самарадорлиги исботланган, ушбу усулнинг ичак иерсиниози диагностикасида асосий иммунодиагностик усул сифатида қўлланилиш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ичак иерсинознинг диагностик усулини такомиллаштиришда молекуляр генетик текширув усулини қўллаш кўзғатувчининг реал миқдорини кўрсата олиш, лаборатор йўлга қўйиладиган хатоликларни камайтириш ва натижаларни автоматик аниқлаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (17.07.2023 й. №73/2), Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (06.06.2023 й. №54/3) билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ичак иерсинози ташҳисотининг янги усулларини такомиллаштириш касалликнинг эрта ташҳислаш ва даволаш имконини берган. Бу эса тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, касалликнинг асоратларини камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга ёрдам берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ичак иерсениозлари билан касалланган беморларда тавсия этилаётган ташҳисот усуллари ва иммунологик хизмат кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлиги касалликни эрта аниқлаш, ўз вақтида ташҳис қўйиш ва унинг оғир асоратларини олдини олиш ва ота-оналарнинг вақтини тежаш орқали иқтисодий самарадорликка эришилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 475 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Хулоса: Ичак иерсениозлари билан касалланган беморларда тавсия этилаётган ташҳисот усуллари ва иммунологик хизмат кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлиги касалликни эрта аниқлаш, ўз вақтида ташҳис қўйиш ва унинг оғир асоратларини олдини олиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 475 000 иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Ичак инфекциялари орасида иерсинозлар аҳамиятини аниқлаш ва улар иммунодиагностикасини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 19 июл 2023 йил 01/04/3796-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: ичак иерсениози аниқланган болаларда ичак инфекциялари ташҳисланган болаларга нисбатан CD3+-, CD4+- лимфоцитлар, иммунорегулятор индекснинг 1,21, 1,22 ва 1,46 мартага ишонарли даражада камайгани, шунингдек, CD38+-, CD25+-, CD95+- лимфоцитларнинг 1,12, 1,16 ва 1,35 мартага ишонарли кўпайгани, яллиғланиши қўлловчи цитокинлар дисбаланси аниқланган, ушбу ҳолат ушбу патологияда иккиламчи иммунодефицит чуқурлиги, иммун тизим фаолиятида сезиларли зўриқиш борлигини кўрсатган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ичак иерсениози аниқланган болалар орасида иммун тизими ҳужайравий ва цитокин статуси параметрлари таҳлили, полимераза занжирли реакциядан фойдаланишга асосланган иммунодиагностик усулларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (17.07.2023 й. №73/2), Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (06.06.2023 й. №54/3) билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ичак иерсинози ташҳисотининг янги усулларини такомиллаштириш касалликнинг эрта ташҳислаш ва даволаш имконини бериб, бу ўз навбатида

тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, касалликнинг асоратларини камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга ёрдам берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ичак иерсениозлари билан касалланган беморларда тавсия этилаётган ташхисот усуллари ва иммунологик хизмат кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлиги касалликни эрта аниқлаш, ўз вақтида ташхис қўйиш ва унинг оғир асоратларини олдини олиниши: 1 нафар бемор ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 475 000 сўмга, бюджетдан ташқир маблағларни 350 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Хулоса: касалликнинг ўткир давридаги асоратларни олдиндан кўра билишга имкон бера оладиган ичак иерсениозининг ПЦР ва ишлаб чиқилган иммунодиагностик алгоритмни шифохона амалиётига жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 475 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 350 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Ичак инфекциялари орасида иерсениозлар аҳамиятини аниқлаш ва улар иммунодиагностикасини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 19 июл 2023 йил 01/04/3796-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш чоп этилган, улардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган журнал, шу жумладан 6 таси республика ва 1 таси чет эл журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ичак иерсиниозининг учраш даражаси, кечиши, иммун тизимининг ўзгаришлари, диагностикаси ва давосига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида ичак иерсиниози билан касалланган беморларда, ушбу патологиянинг муаммолари бўйича назарий жиҳатлар таҳлил қилинган ва тадқиқотлар тизимлаштирилган, касалликнинг ташҳисоти, давоси, профилактикасининг мавжуд усуллари афзалликлари ва камчиликлари ҳамда иерсиниоз касаллигида иммун тизими бузилишлари таҳлил қилинган. Ичак иерсиниози билан касалланган беморларда иммун тизимидаги ўзгаришлари, клиник-лаборатор натижалари шуни кўрсатганки, инфекция жараёнда *Yersinia enterocolitica* таъсирида аста секин ривожланувчи ўта сезувчанлик ёки иммун тизимининг хужайравий бўғини қўзғатувчилар билан боғлиқ бўлган тўқималар зарарланишига олиб келган.

Диссертациянинг «**Ичак инфекциялари орасида иерсиниозлар аҳамиятини аниқлаш ва уларнинг иммунодиагностикасини такомиллаштириш бўйича материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида 2021-2023 йиллар давомида ўткир диарея билан касалланган 6 ойликдан 14 ёшгача бўлган 120 нафар болалар ташҳиси ва даволаш натижалари таҳлил қилиниб, улар тадқиқотнинг асосий гуруҳини ташкил этган бўлса, назорат гуруҳи сифатида 40 нафар текширилганлар маълумотлари келтирилган.

Барча назоратга олинган бемор болалар клиник ва лаборатор, биокимёвий, гематологик, иммунологик тадқиқотларни ўз ичига олган кенг қамровли текширувдан ўтказилган. Бу борада уларнинг шикоятлари, ўтказилган ва йўлдош касалликлари, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, касаллик давомийлиги, диагностикаси ва эрта даволаш чора-тадбирлар самарасига эътибор қаратилган.

Тадқиқот натижаларига кўра 250 нафар ўткир диарея билан касалланган бемор болалар ретроспектив таҳлил қилиниб, шулардан 120 нафар бемор болалар проспектив таҳлил қилинган (асосий гуруҳ). Асосий гуруҳнинг 78 (65%) нафари кишлоқ шароитида яшовчи болаларни, 42 (35%) нафари шаҳар шароитида яшовчи болаларни ташкил этган.

Назорат остига олинган 120 нафар ичак инфекцияси билан оғриган беморларда касалликнинг этиологияси ўрганилганда 34 нафарида ичак иерсиниози, 2 нафарида сальмонелёз, 2 нафарида шигелёз, 2 нафарида ротавирус инфекцияси, 80 нафарида ўткир диарея келтириб чиқарувчи сабаб аниқланмаган.

Назорат остига олинган 120 нафар болалар ёшига қараб 3 та кичик гуруҳларга бўлинган: 1-кичик гуруҳга 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган 91 (75,8%) нафар болалар, 2-кичик гуруҳга 4 ёшдан 11 ёшгача бўлган 24 (20%) нафар болалар ва 3-кичик гуруҳга 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган 5 (4,2%) нафар бўлган болалар.

Назорат остига олинган 34 нафар ичак иерсиниози билан касалланган болаларнинг 18 (53,0%) нафарида касалликнинг гастроэнтероколитик тури аниқланган бўлса, 8 (23,5%) нафарида гастроэнтеритик шакли, 8 (23,5%) нафарида энтероколитик шакли аниқланган. Уларнинг 3 (8,8%) нафарида

касалликнинг ўртача оғирлик даражада кечганлиги, 24 (70,6%) нафарида эса касалликнинг оғир даражаси кузатилган.

Клиник текширув анамнестик маълумотларни тўплаш, бемор болалар умумий ҳолатини баҳолаш, ошқозон-ичак тракти, юрак қон томир тизими, нафас олиш тизими, сийдик чиқариш ҳамда марказий асаб тизимидаги ўзгаришлар ва уларнинг зарарланиш даражасини аниқлашни ўз ичига олган. Барча назорат остидаги беморларда қон, пешоб ва нажас таҳлиллари олиб борилган. Бундан ташқари назорат остига олинган бемор болаларда қоннинг биокимёвий, гематологик таҳлиллари, инструментал текширувлардан рентгенография, УТТ ўтказилган. Клиник-лаборатор таҳлиллар Соғлиқни сақлаш вазирининг 2004 йилнинг 19 апрелдаги «Иерсиниозлар билан курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида» ги 170-сон буйруғи асосида бажарилган.

Бемор болалар периферик қон кўрсаткичлари Mindray фирмаси (Хитой) ВС-30 серияли гематологик анализаторида, биокимёвий кўрсаткичлар Mindray фирмаси (Хитой) ВА-88А серияли биокимёвий анализаторида аниқланган. Натижалар ишлаб чиқарувчининг йўриқномаси асосида баҳоланган.

Полимераза занжирли реакция (ПЗР) ёрдамида *Yersinia enterocolitica* ДНК си аниқланган, бу Ianglong фирмаси (Хитой) Genter-96 серияли аппарати ёрдамида амалга оширилган.

Иммун тизими хужайралари кўрсаткичлари CD-дифференцияловчи маркёрлар экспрессияси бўйича баҳоланган. Унда ушбу хужайраларнинг куйидаги маркёрлари аниқланган: CD4+-, CD3+-, CD8+-, CD4+/CD8+-, CD16+-, CD38+-, CD95+-, CD25+-лимфоцитлар. CD рецепторлар экспрессияси Гариб Ф.Ю. ва ҳаммуал. (1995) усули бўйича «Сорбент» МЧЖ (РФ) ишлаб чиқарган LT серияли моноклонал антитаналар ёрдамида розетка ҳосил қилиш реакциясида ўтказилган. Цитокинлар (IL-6, IL-8, INF- γ) даражасини баҳолаш «Вектор-Бест» (Санкт-Петербург, РФ) компаниясининг тест-тизимлари ёрдамида иммунофермент анализи (ИФА) усули бўйича аниқланган.

Тадқиқотдан олинган маълумотлар шахсий компьютерда статистик ишланиб, Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакетлари ёрдамида бажарилган. Параметрик ва нопараметрик статистика ўрганилаётган ўртача арифметик кўрсаткични (M) ҳисобга олиб, ўртача квадратик оғишма (σ), стандарт ўртача хато (m), ўртача нисбий катталиқ (частота, %) усулларидан фойдаланилган. Ўртача катталиқлар таққосланганда олинган ўлчамларнинг статистик миқдори Стьюдент (t) мезони бўйича, хатолар эҳтимоли ҳисоби (P) тақсимлашнинг нормаллигини текширишда (эксцесс мезони бўйича) ва бош дисперсия тенглиги (F-Фишер мезони бўйича) аниқланган. Ўзгаришнинг статистик кўрсаткичи учун ишончлилиқ даражаси $P < 0,05$ дан фойдаланилган. Сифатий қийматлар статистик аҳамияти χ^2 - ва Z-мезонлари ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозининг ўзига хос клиник кечиш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида

текширилган бемор болаларнинг клиник ва лаборатор таҳлили натижалари баён этилган.

Ичак иерсиниознинг клиник кўринишлари полиморф эканлигини ҳисобга олиб, ушбу касаллик турли ичак инфекциялари орасида аниқланган. Бошқа ичак инфекциялари билан оғриган беморлар орасидан ичак иерсиниози билан касалланган беморлар кузатилганда (1-жадвал), ичак инфекциялари билан стационар даво куни устунлик қилган ($P < 0,05$), амбулатор давода эса ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниози кўпроқ кун даволанган, аммо натижа ишонарсиз бўлган ($P > 0,05$).

Ичак инфекциялари орасида ичак иерсинозида иситма, сутка давомида ич кетишлар сони кўпроқ, қайт қилишлар сони камроқ кузатилган, аммо натижалар ишонарсиз бўлган. Илк бор 6 ойликдан 14 ёшгача бўлган болаларда ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозининг салмоғи 39,5% ни ташкил қилиши аниқланган.

1- жадвал

Текширилаётган бемор болалар гуруҳлардаги асосий клиник кўрсаткичларининг тавсифи, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Ичак иерсиниози гуруҳи, n=34	Бошқа ичак инфекциялари гуруҳи, n=86
Стационар даволанган кун	5,97±0,35*	5,13±0,20
Амбулатор даволанган кун	3,35±0,22	3,72±0,21
Беморнинг ёши	3,59±0,61*	2,42±0,27
Тана харорати	38,36±0,07	38,21±0,06
Ич кетишлар (сутка давомида)	6,62±0,43	6,57±0,21
Қайт қилишлар (сутка давомида)	2,12±0,43	2,28±0,26

Эслатма: * - гуруҳлараро ишонарли фарқ белгиси.

Умумий билурубин, умумий оксил фракцияси иккала гуруҳда ҳам патологик ўзгаришсиз, ишонарли даражада ўзгармай қолган. Мочевинани иерсиниозда ошганлигини кузатилган бўлса, креатинин бошқа турдаги ичак инфекцияларига нисбатан юқори бўлган, аммо натижалар ишонарсиз бўлган ($P > 0,05$). Жигар ферментлари ҳисобланган АЛТ, АСТ иерсиниозда ичак инфекцияларига қараганда бирмунча кўтарилган. Бундан келиб чиқадики, ичак инфекцияларига қараганда ичак иерсиниози клиник жиҳатдан бирмунча оғирроқ кечиби, жигар ва ошқозон - ичак тизими зарарланиши ҳисобига терида ва биокимёвий қон таҳлилларида ўзига хос ўзгаришлар юзага келган.


Илк бор 6 ойликдан 14 ёшгача бўлган болаларда ичак инфекцияларига қараганда ичак иерсиниози клиник жиҳатдан оғир кечиши, лейкоцитоз, нейтрофилёз, эозинофилия, эритроцитлар чўкиш тезлиги, жигар ферментлари миқдори ишонарли юқори бўлиши аниқланган.

Ичак инфекциялари орасида ичак иерсиниозда умумий нажасда эпителий ва лейкоцитлар миқдори ишонарли даражада ($P < 0,05$) ошганлиги аниқланган ва 2-жадвалда келтирилган.

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг нажас таҳлилидаги асосий кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи

Кўрсаткичлар	Ичак иерсиниози гуруҳи, n=34	Бошқа ичак инфекциялари гуруҳи, n=86
Эпителий	2,97±0,43	2,19±0,36
Лейкоцит	4,59±0,38	3,63±0,21

Асосий симптомлар кўпчилигининг ўхшашлиги касалликнинг ўртача даражаси қайд этилган ва юқори иситма (касалликнинг 4-5 кунигача давом этган), катарал синдром (касалликнинг 12-14 кунигача давом этган), тери тошмаси, полиаденопатия, артралгия, гепатомегалия билан тавсифланган. Асосий симптомлар кўпчилиги ўхшашлиги касалликнинг ўртача даражаси қайд этилган ва юқори иситма (касалликнинг 4-5 кунигача давом этган), катарал синдром (касалликнинг 12-14 кунигача давом этган), тери тошмаси, полиаденопатия, артралгия, гепатомегалия билан тавсифланган (1-расм).



1-расм. Кузатув остидаги беморларнинг асосий клиник хусусиятларининг қиёсий тавсифи

Гастроэнтероколитик шаклнинг клиник кўринишлари, кўплаб аломатлар ўхшашлигига қарамай, ўзига хос хусусиятларга эга. Олинган маълумотларни умумлаштириб, қуйидагилар келтирилган: ичак иерсиниози асосан йилнинг куз ва баҳор мавсумларида учраган; касаллик турли клиник полиморф кўринишлар билан намоён бўлиб, асосан ўткир диарея симптомлари билан бир вақтда тери сатҳидан кўтарилмаган тошмалар намоён бўлган; ичак иерсиниозининг ўткир ости интоксикация ва кейинчалик диспептик, аллергия симптомларининг ўткир бошланиши билан тавсифланган.

Ичак иерсиниози аниқланган болаларда ичак инфекциялари ташхисланган болаларга нисбатан касалликнинг енгил даражаси 2,54 мартага

кам аниқланиб, ўртача оғирликдаги ва оғир даражаси мос равишда 2,54 ва 1,12 мартага кўплиги кўрсатиб берилган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўткир диарея ва ичак инфекцияларининг клиник оғирлик даражаси бўйича қиёсий тавсифи

Касаллик даражалари	Бошқа ичак инфекциялари гуруҳи, n=86		Ичак иерсиниози гуруҳи, n=34		Умумий, n=120	
	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%
Енгил	7	8,1	7	20,6	14	11,7
Ўрта оғирликда	25	29,0	3	8,8	28	23,3
Оғир	54	62,9	24	70,6	78	65,0
Жами	86	100	34	100	120	100

Касалликнинг гастроэнтероколитик шакли ичак инфекциялари билан касалланган 38 нафар беморда ва ичак иерсиниози билан касалланган 18 нафар беморда кузатилган. Кўпгина беморларда ЎИИ нинг бу шакли ҳароратнинг ошиши билан кескин бошланган, агар касалликнинг биринчи кунларида ичак иерсиниози билан касалланган беморларда тери тошмаси ва қайд қилиш кўпроқ қайд этилган бўлса, ўткир диарея билан касалланган беморларда эса интоксикация белгилари ичак дисфункцияси билан биргаликда қайд этилган.

Ўткир ичак инфекцияси билан касалланган 86 нафар бемор болалар ва ичак иерсиниози билан касалланган 34 нафар беморлардан касалликнинг гастроэнтеритик шакли ичак иерсиниози билан касалланган беморлардан 8 нафари, ўткир ичак инфекцияси гуруҳидан 40 нафар беморларга касалликнинг гастроэнтеритик шакли кузатилган. Ўткир ичак инфекцияси тери тошмаси билан бир вақтда учраган, 6 ойдан 14 ёшгача бемор болалар ичак иерсениозига текширилди ва биринчи кунлардан бошлаб ўткир ичак инфекцияси гастроэнтеритик шакли гастроэнтерит ва интоксикация белгилари билан тавсифланган.

Касалликнинг энтероколитик шакли бошқа ичак инфекциялари билан касалланган 8 нафар беморда ва ичак иерсиниози билан касалланган 8 нафар беморда кузатилган. Кўпгина беморларда ЎИИ нинг бу шакли қоринда кучли оғриқ, безовталиқ ва ҳарорат кескин ошиши бошланган, агар касалликнинг биринчи кунларида ичак иерсиниози билан касалланган беморларда тери тошмаси ва қоринда кучли оғриқ кўпроқ қайд этилган бўлса, ўткир диарея билан касалланган беморларда эса интоксикация белгилари ичак дисфункцияси билан биргаликда қайд этилган. Касалликнинг дастлабки даврида юқоридаги белгиларнинг устунлиги туфайли беморларга ташхис қўйишда айрим хатоликларга йўл қўйилган, ўткир қорин синдроми, ичак спазми, аппендицит, ўткир респиратор вирусли инфекция ва гастроэнтерит, ичак инфекциялари билан қиёсий ташхисотда тафовутлар юзага келган. Шунинг учун тадқиқот жараёнида айрим ичак инфекцияларидан ичак

иерсиниозини ўзига хос симптомларини ажратиб олдик. Касалликларнинг асосий белгилари касалликнинг авж олган даврида кузатилган .

